



Tadqiqot.uz



**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**31 IYUL
№30**

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
23-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
30-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-23**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
30-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-23**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 30-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Дусбаев Исо Рамазанович

ГЕРБИЦИДЛАРНИ ОЛДИНМА-КЕЙИН ҚЎЛЛАШ ВА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ
ПУШТА ОЛИБ ЭКИШНИНГ БИР ЙИЛЛИК ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА
ТАЪСИРИ.....17



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

ГЕРБИЦИДЛАРНИ ОЛДИНМА-КЕЙИН ҚЎЛЛАШ ВА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПУШТА ОЛИБ ЭКИШНИНГ БИР ЙИЛЛИК ВА КЎП ЙИЛЛИК БЕГОНА ЎТЛАРГА ТАЪСИРИ.

Дусбаев Исо Рамазанович,
Тошкент давлат аграр
университети,
докторанти
901750604

Аннотация: Ушбу илмий мақолада ўтлоқи тупроқлар шароитида пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши таъсир доираси турлича бўлган гербицидларни олдинма-кейин қўллашнинг самарадорлиги бўйича маълумотлар келтирилган. Ғўзани пуштага экиш ва Степ 500, 50 % э.к. гербицидини экиш билан бирга 4,0 л/га, Анкосар 720 г/л с.э. препаратини 4,0 л/га меъёрада ғўзанинг шоналаш давригача, ёки бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда олдинма-кейин қўллаш бир йиллик бегона ўтларни 92,2-95,6 %, кўп йилликларни 91,6-92,4 % камайтириб пахта ҳосилдорлигини 5,6 ц/га ошишини таъминлайди.

Калит сўзлар: Гербицид, Степ 500, 50 % э.к., Анкосар 720 г/л с.э., бир йиллик бегона ўтлар, кўп йиллик бегона ўтлар л/га, дона/м², пахта ҳосилдорлиги.

Кириш: Мавзунинг долзарблиги. Дунёнинг деҳқончилик қилинадиган экин майдонларида 3000 дан ортиқ турдаги бегона ўтлар тарқалган ва улардан 1800 тури жуда катта иқтисодий зарар келтириб, шулардан 200 дан ортиқ тури асосий қишлоқ хўжалик экинлари билан кучли рақобатда бўлиб келмоқда. Қишлоқ хўжалигида суғориб деҳқончилик қилинаётган майдонларда бегона ўтларнинг 841 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шулардан 209 тури хавfli ҳисобланади. Ғўза етиштирадиган майдонларда бир ва кўп йиллик бегона ўтларнинг 72 тури учраши ва улардан 35 тури энг кўп зарар етказиши аниқланган [1; 108-б.].

Шундан келиб чиққан ҳолда биз ингичка толали ғўза далаларидаги бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши Стомп плюс ва Анкасар гербицидларини олдинма-кейин қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказдик. Кимёвий кураш чораларининг самарадорлигини ошириш орқали далаларни бегона ўтлардан тозалаб олиш ғўза ҳосили миқдори ва сифатини ошириш имкониятини беради.

Илмий тадқиқот ишларининг мақсади ва вазифаси. Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлар шароитида пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга қарши Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. гербицидини мақбул меъёрини аниқлаш;

Степ 500, 50 % э.к. ва Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. ва гербицидларини олдинма-кейин қўллашнинг ингичка толали ғўза далаларидаги бегона ўтларга таъсирини аниқлаш ва баҳолаш;

Степ 500, 50 % э.к. ва Анкосар 720 г/л (72 %) с.э. ва гербицидларини олдинма-кейин қўллашнинг ингичка толали ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

Тадқиқот предмети ва объекти: Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари, ингичка толали ғўзанинг СП-1607 нави, гербицидлар, Стомп плюс 33 % э.к., Анкосар 720 г/л (72 %) с.э., Степ 500, 50 % э.к., бир ва кўп йиллик бегона ўтлар олинган.

Илмий тадқиқот ишлари 2017-2019 йилларда Сурхондарё вилоятининг суғориладиган ўтлоқи тупроқлари шароитида 14 та вариант, 4 та такрорлашда ўтказилди.

Тажриба олиб борилаётган ҳудуд тупроқлари механик таркиби жиҳатидан ўртача қумоқ,



ўтлоқи тупроқ. Сизот сувлари 2 м чуқурликда жойлашган.

Тажриба учун ер танлаш ва тайёрлашда тупроқнинг типиклиги, гумус ва озик элементлари билан таъминланганлик даражаси ўрганилди. Тадқиқотлар Сурхондарё вилояти Жарқурғон туманидаги “Кийик пайкал” фермер хўжалигида олиб борилди. Вариантлар 4 ярусли қилиб жойлаштирилди. бўлак узунлиги 25 м. Ҳар бир вариант 8 та қатор. Бўлак эни $8 \times 90 \text{ см} = 7,2 \text{ метр}$, бўлак майдони $7,2 \times 25 \text{ метр} = 180 \text{ м}^2$ ни ташкил этади. Тажрибанинг умумий майдони 1,008 гектар.

2. Тупроқнинг ҳажмий оғирлиги 0-100 см чуқурликларда ҳар 0-10, 10-20, 20-30 ва 30-50 см қатламларда аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тажриба далаларида бир йиллик бегона ўтлардан асосан қора курмак, олабута, итузум, ёввойи гултожихўроз, семиз ўт, қўйтикан, кўп йиллик бегона ўтлардан ғумай, ажриқ, қўйпечак кабилар учраши кузатилди ва ҳисобга олинди.

Текис ерга экилган ингичка толали ғўза даласида назорат вариантыда бир йиллик бегона ўтлар биринчи ҳисобда (препарат сепилгандан 30 кун кейин) 43,1 дона/м² бўлган. Стомп плюс 33 % э.к. (эталон) гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда назорат вариантга нисбатан 80,3 %, Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда бегона ўтларни 81,1 % га камайтирди. Бу вақтда Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўллаш бир йиллик бегона ўтларни мос равишда 76,6; 79,6; ва 80,8 % камайтиришни таъминлади (2-жадвал).

Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга сепиш, Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 4,0 л/га меъёрда ғўзанинг шоналаш даврида ёки бегона ўтларнинг бўйи 10-15 см бўлганда сепиш натижасида уларнинг сони 88,6 % га камайган.

Ғўза текис ерга экилган далада Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрда бир йиллик бегона ўтларни 77,1-79,6 % йўқотган. Биринчи ҳисобга олиш вақтида кўп йиллик бегона ўтларнинг сони 6,80 дона/м² ни ташкил қилди. Стомп плюс 33 % к.э. гербициди (4,0 л/га) қўлланилган вариантда кўп йиллик бегона ўтларни 10,3 %, Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда 12,6 % га камайтирган бўлган бўлса, Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0; ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилган мос равишда 79,1; 83,7; ва 85,1 % камайтирган. Тажрибада (2017-2019 йй.) ерни кузда шудгорлаб пушта олинган ерда 1-суғоришдан кейин бегона ўтларни 1-ҳисобга олишда назорат (гербицидсиз) вариантыда, бир йиллик бегона ўтлар сони ўртача 35,1 дона/м² бўлган бўлса, гербицидлар қўлланилган вариантларда уларнинг сони сезиларли даражада камайган. Масалан, Стомп плюс 33 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларни назорат вариантга нисбатан 88,1 %, Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда 89,1 % га камайишига эришилди. Бу гербицидлар бегона ўтларнинг фақат уруғларининг унувчанлигига таъсир кўрсатди. Анкосар 720 г/л с.э. препарати 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтлар назорат вариантга нисбатан мос равишда 83,1 %; 88,2 % ва 88,9 % камайтирди. Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрида ғўзанинг шоналаш даврида олдинма-кейин қўлланилган вариантда бегона ўтларни сони 92,0-95,8 % камайди.

Ғўза пуштага экилган ва гербицид қўлланилмаган назорат вариантыда кўп йиллик бегона ўтларнинг сони 6,12 дона/м² ни ташкил қилди. Стомп плюс 33 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда кўп йиллик бегона ўтларнинг сони 18,2 % га, Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда 10,0 % га камайганлиги аниқланди. Бу гербицидлар фақат уруғларидан униб чиққан кўп йиллик бегона ўтларга таъсир кўрсатганлиги кузатилди. Анкосар 720 л/га гербицидини алоҳида 3,0; 4,0; ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда кўп йиллик бегона ўтлар мос равишда 86,2 %; 90,0 % ва 90,4 %га камайганлиги аниқланди.

Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрида ғўзанинг шоналаш даврида олдинма-кейин қўлланилган вариантда кўп йиллик бегона ўтлар 91,5-94,3 % йўқотилди.

Пушта ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза далаларида гербицидларни ҳар хил меъёрларда ва усулларда қўллашнинг бегона ўтларнинг қуруқ массасига таъсирини аниқлаш бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтирилган. Назорат (гербицидсиз) вариантыда 1-ҳисоб даврида бир йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси 36,3 г/м² бўлган бўлса, Стомп плюс 33,0 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 4,25 г/м² га тенг бўлиб, бегона ўтларнинг қуруқ массаси 88,3 % га камайган. Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда, бир йиллик бегона ўтларнинг қуруқ массаси 4,05 г/м² бўлган, яъни 88,8 % камайган. Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га ме-



бёрларда алоҳида қўлланилган вариантларда, назорат вариантыга нисбатан мос равишда (7,25, 6,25 ва 6,00 г/м²) 80,0; 81,4 ва 82,8 % га камайганлиги аниқланди. Степ 500, 33 % э.к. (4,0 л/га) гербициди билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантда бегона ўтларнинг куруқ массаси (3,25 г/м²) 91,0 % га камайган.

Кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 1-ҳисоб вақтида назорат вариантда 5,55 г/м² ни ташкил қилган, Стомп плюс 33 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда 4,75 г/м² га тенг бўлган, унинг камайиши назорат вариантыга нисбатан 14,4 % га тенг бўлган. Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 4,50 г/м² ни ташкил этиб, 18,9 % га камайган. Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси мос равишда 79,3, 82,9 ва 84,7 % га камайган. Бу кўрсаткич Степ 500, 33 % э.к. (4,0 л/га) билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантда назорат вариантыга нисбатан 87,4-88,3 % га тенг бўлган.

Пуштага ғўза экилган гербицидсиз назорат вариантыда бир йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси ўртача 28,5 г/м² бўлган бўлса, Стомп плюс 33,0 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 3,25 г/м² га тенг бўлди, ёки назорат вариантыга нисбатан 91,0 % камайган. Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда, бир йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 91,7 % камайган. Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантда, назорат вариантыга нисбатан мос равишда 83,0; 85,5 ва 86,2 % га камайганлиги аниқланди. Степ 500, 33 % э.к. (4,0 л/га) гербициди билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси назорат вариантыга нисбатан 91,0-93,0 % га камайганлиги аниқланди (3-жадвал).

Пуштага ғўза экилган гербицидсиз назорат вариантыда кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 1-ҳисоб аврида 4,85 г/м² ни ташкил қилган бўлса, Стомп плюс 33% э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда 4,25 г/м² га тенг бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 23,4 % га камайган. Степ 500, 50 % э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда қўлланилганда эса кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 4,0 г/м² бўлган ёки 27,9 % га камайган. Анкосар 720 г/л с.э. гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан мутаносиб равишда 82,9; 86,5 ва 88,3 % га камайганлиги аниқланди. Степ 500, 33 % э.к. (4,0 л/га) гербициди билан Анкосар 720 г/л с.э. (4,0 л/га) гербицидини олдинма-кейин қўлланилган вариантда кўп йиллик бегона ўтларнинг куруқ массаси 91,6-91,9 % га камайганлиги аниқланди.

Демак, ерни кузда шудгор қилиб тайёрланган пуштага экилган ингичка толали ғўза далаларида бегона ўтларга қарши гербицидларни мақбул меъёр ва усулларда қўлланилганда бир йиллик бегона ўтларнинг куруқ массасини самарали камайтиради.

Ғўзани пуштага ва текис ерга экилган далада гербицидларни ҳар хил меъёрда ва усулларда қўллаш далаларни бегона ўтлардан ўз вақтида тоза бўлишини таъминлаб, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади ва пахта ҳосилини гербицидсиз вариантга нисбатан юқори бўлишини таъминлайди.

Текис ерга экилган назорат вариантыда ўртача 29,8 ц/га пахта ҳосили олинган. Стомп плюс 33 % э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 31,8 ц/га, Степ 500, 50% э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда ишлатилганда 32,8 ц/га, Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мос равишда 32,9; 33,9 ва 33,9 ц/га ҳосил олинган. Степ 500, 50% э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда ғўзанинг шоналаш давригача олдинма-кейин қўлланилганда 34,5 ц/га ҳосили олишга эришилди (4-жадвал).

Ғўза пуштага экилган гербицидсиз вариантда ингичка толали ғўза ҳосилдорлиги ўртача 31,1 ц/га бўлди, Стомп плюс 33% э.к. 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда 32,8 ц/га, Степ 500, 50% э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда ишлатилганда 33,5 ц/га, Анкосар 720 г/л гербицидини 3,0; 4,0 ва 5,0 л/га меъёрларда қўлланилганда мос равишда 33,4; 34,9 ва 34,8 ц/га ҳосил олинди. Степ 500, 50% э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда ғўзанинг шоналаш давригача қўлланилганда 35,4 ц/га ҳосил олишга эришилди (4 -жадвал).

Бегона ўтларга қарши гербицидлар қўлланилган вариантларда назорат вариантыга нисбатан ҳосилдорлик (1,3-5,6 ц/га) юқори бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда қўлланилган (мос равишда 3,6; 5,1 ц/га) ҳамда Степ 500, 50% э.к. гербициди 4,0 л/га меъёрда ва Анкосар 720 г/л гербицидини 4,0 л/га меъёрда



олдинма-кейин қўлланилганда (мос равишда 4,7; 5,6 ц/га) вариантларда бўлганлиги кузатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерни кузда шудгорлаб, пушта олинган ерда гербицидларни қўлланилганда, текис ерга ғўза экилган вариантларга нисбатан пахта ҳосилдорлиги сезиларли даражада юқори бўлган.

Хулосалар.

1. Пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза даласидаги бегона ўтларни самарали йўқотиш учун таъсир қилиш хусусияти ҳар хил бўлган гербицидларни олдинма-кейин қўллаш юқори самара беради.

Ғўза пуштага экилган далада Степ 500, 50 % э.к. (эталон) 4,0 л/га меъёрда бир йиллик бегона ўтларни 86,5-89,1%, кўп йиллик бегона ўтларни 19,8-21,1 % камайтиради. Анкосар 720 л/га 4,0 л/га меъёрда қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтларни 85,1-88,2 %, кўп йиллик бегона ўтларни 85,6 – 90,0 % камайтиради.

Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрида ғўзанинг шоналаш даврида олдинма-кейин қўлланилган вариантда бир йиллик бегона ўтларни 92,0-95,8 %, кўп йиллик бегона ўтларни 91,5-94,3 % йўқотади.

2. Пуштага ва текис ерга экилган ингичка толали ғўза даласидаги бегона ўтларга қарши таъси доираси ҳар хил бўлган гербицидларни олдинма-кейин қўллаш бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиб ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит яратади.

3. Степ 500, 50 % э.к. 4,0 л/га меъёрда экиш билан бирга ва Анкосар 720 г/л с.э. 4,0 л/га меъёрида ғўзанинг шоналаш даврида олдинма-кейин қўлланилган вариантда назорат вариантыга нисбатан мос равишда 5,1 ва 5,6 %, кўп пахта ҳосили олинган.

Адабиётлар

1.Алеев Б.Г. Применение гербицидов в хлопкосеющей зоне Узбекистан. - Ташкент, 1971. Б.108.

2.Алеев Б.Г. Бегона ўтларга қарши комплекс тадбирлар.-Т.: Фан хақида суҳбатлар. 2005. №25. Б. 7-21.

3.Белоусов М.А. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент, 1963. Б.5-200.

4.Берназ Н.И. Разработка систем применения гербицидов на семеноводческих посевах лука репчатого. Автореф. канд. дисс. М.:2003, с.17.

5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М, «Колос», 1985, с. 35-274.

6. Жидков В.М., Кривцов И.В. Гербициды на луке. «Защита и карантин растений», 2003, №6, с.28.

7.Купренко Н.П. Производство лука в Белоруссии. «Картофель и овощи», 2003, №5, с.8-9.

8. Лукьянова О.В. Влияние основных элементов гребневой технологии возделывания моркови на ее урожайность и свойства пойменной луговой тяжелосуглинистой почвы в южной части Нечерноземной зоны РФ: Автореф. канд. дисс., Рязань, 2004, с.19.

9. Нурматов Ш. ва бошқ. Дала тажрибаларини ўтказиш услубияти. Тошкент, 2007.

10. Саидов С.М. Биологическая эффективность гербицидов против однолетних двудольных сорняков на посевах пшеницы. Ж. Актуальные проблемы современной науки. М. 2017. №6(97). С. 131-134.

11. Саидов С.М., Мустафоева О., Биологическая эффективность гербицидов против однолетних и многолетних двудольных сорняков на посевах пшеницы. Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования. II Международная научно-практическая Интернет-конференция ФГБНУ «Прикаспийский научно-исследовательский институт аридного земледелия». с. Соленое Займище. Россия - 2017. С. 893-897.

12.Турдиева Н., Махамматова М., Шерназарова Н. Ғалла майдонларида бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаш. Ж. Ўзбекистон кишлок хўжалик. 2011. №12. Б. 25.

13. Шодманов М. Ғўзада ҳар хил услубларда гербицидларни қўлланиши самарадорлиги. «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси» №3(13) 2003. 44-46 б.

14. Makhkam Shodmanov1, and Ozoda Mustafafoeva. Effectiveness of successful application of herbicides ‘Chemical Glyphosate’ and ‘Himstop’ 330 against annual and perennial weeds in cotton fields of Uzbekistan. E3S Web of Conferences 244, 02011 (2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202124402011>. EMMFT-2002.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(23-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2021

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000